

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**273** «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1847-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сонли «Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 38, 35/ҚҚ, 01-276-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1847, 2008 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 352-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Меҳнат вазири**

**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 2 июнь,  
17-қ/ққ-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълими маркази директори**

**У. САЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 2 июнь,  
51/ққ-сон

**Давлат тест  
маркази директори**

**Ж. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 2 июнь,  
15/ққ-сон